
Ўзбекистон туманилик ёш энергетиклар Сардобадаги талафот оқибатларини бартараф этишда фаоллик кўрсатишмоқда

Қон-қонимизга сингиб кетган туйғулардан-бағрикенглик, инсонпарварлик туйғулари айниқса бугунги синовли кунларда ватандошларимиз томонидан яна ҳам акс этмоқда, десак янглишмаган бўламиз.

Хабарингиз бор, Сирдарё вилоятининг Сардоба, Оқолтин ҳамда Мирзаобод тумани ҳудудларида табиий офат натижасида электр энергиясида вужудга келган узилишларни тиклаш, турли даражадаги техник авариявий ҳолатларни қайта тиклаш ишлари олиб борилмоқда.

Мазкур эзгу ишларда, Ўзбекистон туманилик усталар, жумладан, туман электр таъминоти корхонасининг 3 нафар ходими ҳам муносиб қатнашмоқдалар.



Дилшоджон Исақовлар айни кунларда Мирзаобод туманидаги 9-совхоз ҳудудида бўлиб, сув тошқини сабабли яроқсиз ҳолга келган ва узилган тармоқларни қайта тиклаш ишларида фаол иштирок этишмоқда.

Соҳанинг малакали мутахассислари билан елкама-елка меҳнат қилиб, маҳаллий аҳолини аввалги турмуш тарзига тезроқ қайтариш, уларга ҳар томонлама кўмаклашиш каби эзгу истак йўлида ғайрат-шижоат билан ишлаётган ёш энергетикларимиздан фахрланамиз.

Маълумот ўрнида, “Ҳудудий электр тармоқлари” АЖ Матбуот хизматининг 18 май кунги берган [xabari](#)га кўра, Сирдарё вилоятининг тошқиндан жиддий зарар кўрган учта туманидаги маҳаллаларда электр энергиясида вужудга келган узилишлар тикланган. Хусусан, ҳудуддаги тиклаш ишларига 60 та таъмирлаш бригадасидан 400 га яқин малакали соҳа ходими, 40 та махсус ва 60 та хизмат автомашинаси жалб қилиниб, ҳозиргача 3 та нимстанция, 97 та трансформатор пункти ва 282,46 километр узунликдаги электр узатиш тармоқлари ҳамда 5136 та электр устунни ўрнатиш ишлари якунланган.

Ўзбекистон тумани ҳокимлиги Ахборот хизмати

2020-05-21 11:21:53